



## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЛИТЕРОНИМИК МУАММО САНЪАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

*Истамова Ш.М.*

*филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

*Шарипова М.Б.*

*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Tayanch soʻzlar:** муаммо жанри, литеронимик муаммо, илмий трактат, лирика, муаммошунослик, ғазал, қасида, рубой

**Ключевые слова:** жанр “муаммо”, научный трактат, лирика, газел, ода, рубай

**Key words:** “problem” genre, scientific treatise, lyric, problem science, ghazal, ode, rubai

Муаммо Шарқ адабиётида кенг қўлланган жанрлардан бирidir. У арабча сўз бўлиб, «кўр қилинган», «яширилган» деган маъноларни билдиради. Муаммо жанри Шарқ адабиётида узоқ тарихга эга. У XV аср ўзбек адабиётида кенг ривожланган. Ўзбек адабиёти тарихида бу жанрни бошлаб берганлардан бири Алишер Навоийдир. Шоирнинг «Муфрадот» асари муаммошунослик тарихида янги бир саҳифа бўлди. Навоий бу жанрни нафақат назарий, балки амалий томондан ҳам ривожлантирган, мукаммаллаштирган ижодкордир.

Садриддин Айний бу ҳақда шундай дейди: «Китоби Навоий муваффақиятнок баромад, чунки ў як қоидаро баён карда дар паси вай мисолашро нишон медод ки кушодани он муаммо бо қоидахое, ки хануз талаба надида аст, эҳтиёж надошт».

Адиб муаммо масаласига оид чалкашликларга барҳам берди ва унга доир қоидаларни тартибга солди. Дарҳақиқат, Навоийгача ҳам бу жанрда қалам тебратганлар бўлган. Чунончи, Шарафиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий кабилар форс-тожик адабиётида бу жанр доирасида ўз фикр қарашларини баён этганлар. Аммо уларнинг асарлари анча мураккаб тарзда ёзилганлиги, китобхоннинг ўзлаштириши қийинлигини назарда тутиб Алишер Навоий мазкур асарини ёзган. Алишер Навоий асари-

нинг олдин ёзилган шу хил асарлардан афзаллиги шундаки, шоир муайян масаланинг назарий томонларини ҳар томонлама таҳлил қилиб бергандан сўнг, албатта, айтилган назарий фикрини мисоллар асосида далиллаган. Бу масаланинг моҳият-мазмунини осон ва қулай тушунишга олиб келган. Садриддин Айний бу хусусда шундай деб ёзган: «Муваффақияи асари Навоий ба даража расид, ки Жоми китобҳои худ ва китобҳои устодони дигари ин жанрро бояк су монда «Муфрадот» ро бо писари худ Зиёуддин Юсуф китоби дарси карда хононд».

Навоий муаммо жанрининг назарий ва амалий масалаларига диққат қилиб, уни илмий жиҳатдан тўғри талқин қилган. Шунинг учун адабиёт-шунос олим А.Ҳайитметов: «Ҳозирги вақтда уни насрий асар деб эмас, балки илмий трактат деб аташ мувофиқдир», деб уқтирган.

Муаммо бадиий тафаккурнинг меваси, бадиий сўз санъатининг муҳим воситасидир. Алишер Навоий бу жанрнинг усталаридан бири сифатида тан олинган. Шоир ғазал, қасида, рубоий, қитъа ва дostonларига муаммо амалларидан кенг фойдаланган. У ўзининг илғор фикрларини пардали қилиб ифодалашда мазкур бадиий санъатдан кенг ва ўринли фойдаланган.

Аёнки, тасҳиф муаммо амалларидан бири бўлиб, имо-ишорага кўра маълум сўздаги нуқталар ўзгартирилади, олиб ташланади ёки нуқталар қўшилади. Бу ишора асосан «хол» خال, «дур» دور, «ашк» اشك, «гавҳар» گوهر, «қатра» قطره, «дона» دانه, «сурат» صورت, «шакл» شكل, «намуна» نمونه, «ми-сол» مثال каби махсус сўзлар воситасида ифодаланади. Алишер Навоий ҳарфий ўйинлар асосида тасҳифи вазъи ёки тасҳифи жаъли услубларини қуйидаги байтида моҳирона қўллайди:

Кўзим ёруқ тилар эрсанг, ёшурма холингни,

Ки кўр ўлур кўз, агар нуқтасин ниҳон қилсанг. (Фк, 185-б.)

Мазкур байтда шоир тасҳифи жаъли услубидан фойдаланиб, «кўз» زوك сўзига ишора қилади, яъни «зе» (ز) нуқтали, агар нуқта олиб ташланса «ре» (ر) га айланади, яъни кўз زوك кўр زوك бўлади, деган фикрни илгари суради.

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи не ажаб,

Икидур нуқта ёзилур эса хат ичинда жон. (Ғс, 335-б.)

Маълумки, «жон» ح سўзидаги «жим» (ج) ҳамда «нун» ن ҳарфлари бир нуқта асосида ёзилади. «Икки» сўзидаги ишора эса ҳар икки нуқтанинг тенглигидан келиб чиқади. Бу байтда тасҳифи жаъли усули қўлланган.

Байтда ёрнинг тана аъзоларидан бири – хатт خ (лаб устидаги майин туклар) таърифига диққат қаратилади. Шоир ёр лаби устидаги икки холини таърифлаб, лабинг устидаги майин туклар яширган икки нуқта «жон» сў-



зидаги икки нуқтага монанддир, дейди. Бу билан ёрнинг хаттига нисбатан жон бағишловчилик сифати бериляпти. Шоир ҳарфий санъатнинг ҳарф шакли ва нуқталарига ишора қилиш усулидан маҳорат билан фойдаланиб, байт ботинига улкан маъно жо этган.

Нечукким бўлса дил лафзига нуқта зул бўлур ҳосил,

Мазаллат икки айрилғон кўнгулга етти холингдин. (Бв, 255-б.)

Шоир тасҳифи вазъи усулини қўллаб “дил” ۛ сўзидаги «дол» ۛ ҳарфига ишора қилиб, нуқта қўйилса, у “зол” ۛ бўлади, натижада «дил» ۛ сўзи «зул» ۛ га айланади, демоқчи.

Байтда ҳарф санъатининг нисбатан мураккаброқ кўриниши қўлланган. Ҳарф санъатининг нуқта қўшиш ёки олиб ташлашга асосланган бу кўриниши тасҳифи жаъли деб юритилади. Бу усул орқали шоир байтдаги «дил» ۛ сўзини «зул»га ۛ айлантириб, ажойиб сўз ўйинини вужудга келтирган. «Дил» сўзига нуқта қўйилса тубан кетиш, толесизлик («зул»нинг маъноси шундай) ҳосил бўлганидек, икки кўнгилинг ҳижронига, иқболсизлигига сенинг холинг сабаб бўлди, демоқда ошиқ. Бунда шоир ёр холини таъриф манбаига айлантирмай, аксинча, унинг қора ранги билан боғлиқ айрилиқ маъносига алоҳида урғу берган.

Алишер Навоий шеърий асарларида нафақат нуқта қўйиш, олиб ташлаш ёки ўзгартириш, балки ҳарфдаги нуқтани холга ўхшатиш ҳамда ҳарфдаги нуқталарга ишоралар ҳам қўлланганини кузатиш мумкин. Масалан:

Зулфунгда хол жим аросиндаги нуқтадек,

Юзунгда зулф вард остидаги дол экин. (Ғс, 332-б.)

Аёнки, мумтоз адабиётимизда зулф «жим» җ ҳарфига ўхшатилади. Шоир эса «жим» җ ҳарфидаги нуқтани холга ўхшатапти. Бу хил тасвир Навоий лирикаси услуби учун характерлидир.

Байтда араб ҳарфлари шаклидан ёр юзидаги аъзоларини таърифу тавсиф этиш воситаси сифатида фойдаланилган. Шоир ёр зулфи орасидан элас-элас кўринаётган холни «жим» (җ) ҳарфининг нуқтасига, зулфнинг ўзини эса «вард» (درو) сўзи охирида “дол”( ۛ) га ўхшатапти. Шоирнинг зулфни “вард”درو сўзидаги “дол”га ўхшатиши тасодиф эмас. “Вард” арабча «атиргул» деганидир. Демак, шоир ёр зулфини хушбўй атиргулга ўхшатмоқда.

Юзда холингдурми ё таҳрир этар ҳолатда хат.

Томди қудрат қилкидин кун сафҳасига бир нуқат. (Ғс, 225-б.)

Томчи нуқтага ўхшатилиб, «нун» устига қўйилади ва у «кун» сўзини ҳосил қилади. Аёнки, араб алифбосидаги баъзи бир ҳарфий белгилар ост ва уст қисмига нуқталарни қўйиш билан ифодаланади. Муайян нуқта ўр-

нининг ўзгариши ҳарф белгисининг ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навба-  
тида товушнинг ҳам бошқача бир ҳолда талаффуз этилишига олиб келади.

Бошим узра фурқатинг тошини кўрсанг билгасен,

Нукта зоҳир айламиш гўё Навоий узра «нун». (Нш, 246-б.)

Тавсифи: “Эй ёр, сенинг ҳажринг тоши бошим узра қора доғ каби бўл-  
ди, бу гўё менинг исмим устидаги (яъни, «Навоий» сўзидаги биринчи  
ҳарфга ишора) белгининг нуқтаси, яъни «нун» ҳарфидан ташбех яратиш  
воситаси сифатида усталик билан фойдаланган: «Навоий» таҳаллусидаги  
«нун» ҳарфининг нуқтаси ошиқ боши устида айланган ҳажр тошига ўх-  
шатиляпти. Шу билан бирга байт моҳиятида сўз ўйини – ўз-ўзини инкор  
этиш орқали фикрни яна бир карра кучайтириш ҳам бор. «Навоий» ئىئون  
таҳаллуси «нун» ҳарфи устидаги нукта билан мукаммал бўлгани каби  
ошиқ қиёфаси ҳам унга ёр «ҳадя этган» ҳижрон азоби билан мукаммалдир.  
Бу ўринда шоир ишқнинг азалий қисмати эканлигига ишора қилмоқда.

Дарду ишқинг доғи ул соатки ўлсам жон аро,

«Жон»нинг икки нуқтаси янғлиғ нишон бўлғусидур. (Нш, 111-б.)

Шоир ёрга мурожаат қилиб дейди: «Сенинг дардинг ва ҳажринг ҳало-  
катимга сабабчидир. Бунга исбот талаб этиладиган бўлса, далилим тайин:  
«жон» сўзи икки нуқтаси билан бутун, мен ҳалок бўлганда дарду ҳажринг  
«жон» сўзидаги икки нуқта каби ғолиблардек майдонга чиқади, ўзини  
кўрсатади».

Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндир.

Бу онинг нуқтасидур гўё ул «нуни танвин»дур. (Вб, 144-б.)

Шарқ шеърлятида, хусусан, ўзбек мумтоз ғазалиётида ёр аъзолари таъ-  
рифи алоҳида ўрин тутади. Келтирилган баёт ана шу анъана маҳсулидир:  
«Уятчан, иболи, оҳу каби ҳуркак ёрнинг қошини кўриш мушкул, хушбўй  
холини кўриш эса ундан-да мушкулроқ. Шоир ёр қоши ва холининг жой-  
лашишини «нунни танвин»га ўхшатыпти. «Нунни танвин» ўз нуқтасини  
яширгани каби ёрнинг қоши ҳам хушбўй холини яширяпти», демоқда  
шоир.

Оразинг хуршиду оғзинг заррадин тимсол эрур,

Зарра узра нуқта янғлиғ оғзинг узра хол эрур. (Ғс, 178-б.)

Ушбу байтда ҳам ҳарф ташбех бадий санъати яратиш воситаси бўлиб  
хизмат қилган. Шоир ёр юзини куёшга, оғзини эса куёш юзидаги заррага  
ўхшатади. Сўнгра бу ўхшатиш билан қаноатланмасдан, “зарра” زررا усти-  
даги нуқта (шу сўздаги биринчи ҳарфнинг нуқтаси)га яна бир лутф қила-  
ди. Заррага ўхшатиш “кичкина оғиз устидаги нуқтадек” хол ёр хуснига  
хусн қўшади.



Эрур холинг хаёлидин оқарғон кўзларим гўё.

Қуюбтур килки сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин. (Нш, 357-б.)

Кўз оқариши хушсизликка, жоннинг танани тарк этишига ишора. Шоир ёрга бўлган самимий севгисини “Менинг жон тарк этган кўзларим холинг хаёлидан, рухсоринг шавқидан қайта ёришади”, – дейиш орқали баён этган. Бу билан ошиқ умри маъшуқа ёди билан маъно касб этади, демокчи шоир. Байтда бундан ҳам кучлироқ фикрий зарба бор: шоир ёрга қарата «Сен мендан узоқлашма, чунки сендаги хол менинг кўзларим қорачиғидан бино бўлган. Мендан узоқ кетсанг, кўзларимдан нур, танамдан жон кетади», – дейди.

Сўзнинг имловий хусусиятидан келиб чиқиб айтсак, агар кўз **زوک** сўзидаги “зе” **ز** харфи нуқтасиз ёзилса, у кўр **روک** сўзи бўлади. Ана шу бетакрор фикр “хол” ва “нуқта” тушунчаларини ўзаро қиёслаш асосида юзага чиққан.

Ёзилгон «жон» анингдекким, алифсиз, нуқтасиз бўлмас,

Эрур холу кадинг бу зору хаста жонинда. (Нш, 303-б.)

Тавсифи: «жон» **ج** сўзи ёзилганда, алиф **ا** ва нуқта ишлатилмаслиги мумкин бўлмаганидек, хаста жоним сенинг холинг ва қадринг шарофати туфайли тирикдир». Байт мазмуни юқоридаги парча моҳияти билан уйғун. Бунда ҳам ошиқ маъшуқа васлисиз тирик юролмаслиги ва шод бўлолмаслиги таъкидланган.

Холу хаттидинки, ҳар бирининг бир ўзга холи бор.

Хат юзинда нуқтадек мушкин хатт узра холи бор. (Бв, 98-б.)

Ёр холу хаттини таъриф этишга киришган шоир бу байтда ҳам ҳарф санъатининг нуқтага ишора кўринишидан усталик билан фойдаланган. Байтда «хат» **طخ** ва «хатт» **تخ** сўзларининг шаклдошлиги (омонимлиги) дан фойдаланиб, тажнис санъати ҳам яратилган. Биринчи «хат» **طخ** маъносини берса, иккинчи «хатт» **تخ** лаб устидаги майин тукчаларни аналатади.

Чун дедим: «холинг била кўз мардумининг холи бор»,

Деди улким «хол дейсен, нуқтасиз ҳам хол эрур». (Ғс, 178-б.)

Байтда шоир ёр холини кўз мардуми (қорачиғи)га ўхшатиб, бу билан аввалги байтларда назарга ташланганидек, маъшуқа ошиқ учун кўз қорачиғидек ардоқли ва ҳаётбахш эканлигини яна бир қарра таъкидлайди. Аммо байтнинг иккинчи мисрасида маъшуқанинг ошиқ изҳорига жавоби ҳам акс этган. Ҳарф санъати имкониятидан фойдаланган шоир маъшуқа нутқини ташбеҳ билан зийнатлаш учун тасҳиф имкониятидан фойдаланади. Маъшуқанинг фикрича, ошиқ изҳорида муболаға бор. Чунки араб



ҳарфлари орқали ифода этилган «дол»<sup>1</sup> сўзида нуқта бўлмаганидек, ёр холини қорачиққа ўхшатишга ҳам ҳожат йўқ.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Фаройиб ус-сиғар. Т.: «Фан» нашриёти. 1988. –Б.575.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Наводир уш-ша-боб. Т.: «Фан» нашриёти. 1989. –Б.526.
3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Бадоеъ ул-ва-сат. Т.: «Фан» нашриёти. 1990. –Б.528.
4. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Фавоид ул-ки-бар. Т.: «Фан» нашриёти. 1990. –Б.555.
5. Садриддин Айний . Куллиёт. Жилди II. Китоби якум. –Душанбе: 1963.
6. Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. –Т.: Фан, 1959.

#### РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada Алишер Навоийнинг муаммо жанрида баракали ижод қилганлиги, адибнинг айниқса, ўз асарларида литеронимик муаммодан фойдаланиш маҳорати xususida soʻz yuritiladi. Литеронимлар “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирган асарлари мисолида таҳлилга тортилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится об успешном творчестве Алишера Навои в жанре “муаммо”, умении писателя использовать литературные проблемы в своих произведениях. Литеронимы анализируются на примере произведений, вошедших в сборник «Хазайн ул-Маони».

#### SUMMARY

This article talks about Alisher Navoi's successful creation in the problem genre, the writer's ability to use literary problems in his works. Literonyms are analyzed on the example of the works included in the «Khazayin ul-Maoni» collection.